

Received: 5 September 2026 Accepted: 10 September 2026 Published: 11 September 2026

Vol. 4 • No. 9 • 2026

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБ ВА ШАРТ- ШАРОИТЛАРИНИ КРИМИНОЛОГИК БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Атаназаров Хуршид Наджимович

Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари – ИИБ хузуридаги
тергов бошқармаси бошлиғи, полковник
DOI: 10.5281/zenodo.22701483

ABSTRACT: Мақолада оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг сабаб ва шарт-шароитлари миллий статистика, жиноят ишлари материаллари ҳамда криминологик ёндашувлар асосида таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида мазкур жиноятларга таъсир этувчи омилларни ижтимоий-иқтисодий, тиббий-психологик, маънавий-маърифий, ташкилий-ҳуқуқий ва рақамли-коммуникацион гуруҳларга ажратиш ўрганиш таклиф этилган. Шунингдек, хавфни омилларнинг ўзаро таъсири асосида баҳолаш ва рақамли омилларни амалдаги статистик ҳисобда алоҳида қайд этиш юзасидан хулосалар ишлаб чиқилган.

Keywords: оилавий (маиший) зўравонлик, жиноятчилик сабаблари, шарт-шароит, криминоген омил, оилавий низо, иқтисодий қарамлик, алкоголь, гендер стереотипи, химоя ордери, рақамли назорат

Оилавий (маиший) зўравонлик бугунги кунда алоҳида оила доирасида юз берадиган хусусий низо сифатида эмас, балки шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва кадр-кимматига дахл қилувчи, оила барқарорлигига ҳамда жамиятдаги ижтимоий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида қаралмоқда. БМТ ва UN Women материалларида аёлларга нисбатан зўравонликнинг катта қисми яқин муносабатлар доирасида содир этилиши, айрим ҳолларда эса оғир ва қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши қайд этилади [1].

Миллий амалиётда ҳам мазкур масаланинг жиддийлиги яққол кўринади. Хусусан, 2026 йил 25 апрель куни Бош прокуратурада ўтказилган республика идоралараро мувофиқлаштириш Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида йилнинг ўтган даврида қайд этилган 73 та қасддан одам ўлдириш жиноятининг 71 таси оила-турмуш доирасида ёки яқин муносабатдаги шахслар ўртасида юзага келган турли низолар билан боғлиқ экани билдирилган [2]. Мазкур рақамлар ҳар бир оилавий низо жиноятга олиб келади, деган маънони англатмайди. Аксинча, улар оилавий муносабатлардаги зиддиятлар ўз вақтида аниқланмаса ва уларга таъсир этувчи хавф омиллари бартараф этилмаса, айрим ҳолларда оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади.

Шу боис оилавий зўравонликни фақат содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий белгиси билан чеклаб ўрганиш етарли эмас. Унинг ортида қандай ижтимоий, иқтисодий, психологик ва бошқа ҳолатлар турганини, қайси шарт-шароитлар низони кучайтирганини, профилактика тизимининг қайси бўғинида хавф ўз вақтида аниқланмаганини ҳам таҳлил қилиш талаб этилади. Криминология фанида ҳам жиноятчиликнинг

сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш профилактик чораларни тўғри белгилашнинг зарур шарт сифатида қаралади [3].

Мақоланинг мақсади оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларига таъсир этувчи омилларни миллий амалиёт ва криминологик назария асосида таҳлил қилиш, уларни мазкур турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларига мос равишда гуруҳлаш, шунингдек, хавфни барвақт аниқлаш ва профилактик таъсир чораларини манзилли белгилашга хизмат қилувчи илмий хулосаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Материаллар ва методлар

Тадқиқотнинг эмпирик асосини 2023–2025 йилларга оид Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жиноятчилик ҳолати бўйича расмий статистик материаллари, химоя ордерларига оид маълумотлар, 500 дан ортиқ жиноят ишлари ва суд ҳукмлари, шунингдек оилавий низолар билан ишловчи профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоллари ва мутахассислар иштирокида ўтказилган сўровнома материаллари ташкил этди. Мазкур маълумотлар диссертация тадқиқоти доирасида йиғилган ва умумлаштирилган.

Тадқиқотда статистик таҳлил, қиёсий-криминологик таҳлил, ҳуқуқий ҳужжатларни мазмунан ўрганиш, жиноят ишлари материалларини контент-таҳлил қилиш, умумлаштириш ва мантикий хулоса чиқариш усулларидан фойдаланилди. Омилларни гуруҳлашда уларни фақат соҳавий белгисига қараб ажратиш эмас, балки оилавий низонинг юзага келиши, кучайиши ёки такрорланишида қандай таъсир кўрсатаётгани асосий мезон сифатида олинди.

Шу билан бирга, расмий статистикада айрим ҳолатлар, жумладан рақамли назорат, телефон

ёзишмалари, ижтимоий тармоқлардаги низо ёки иқтисодий қарамлик доимо мустақил кўрсаткич сифатида қайд этилмаслигини ҳисобга олиш зарур. Шу сабабли мақолада келтирилган статистик рақамлар тегишли омилларнинг аҳоли орасида тарқалганлик даражасини эмас, расмий ҳисоб ва ўрганилган материалларда қай даражада намоён бўлганини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари

1. Сабаб, шарт-шароит ва омил тушунчаларининг оилавий зўравонликка татбиқи

Криминологияда жиноят сабаби билан унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитни фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Н. Салаев ва С. Ниёзова жиноятчилик детерминациясини жиноий ҳодисаларнинг юзага келиши ва сақланишига таъсир кўрсатувчи турли боғлиқликлар тизими сифатида изоҳлайди [3]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги 565-сон қарорида ҳам жиноят сабаблари жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий, руҳий ва моддий омиллар мажмуи, шарт-шароитлар эса жиноят содир этилишига имкон берган вазиятлар сифатида белгиланган [4].

Бизнингча, оилавий зўравонликни ўрганишда мазкур фарқни сақлаш билан бирга, “омил” тушунчасидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки амалиётда ишсизлик, қарздорлик, рашк, алкоголь истеъмоли ёки рақамли назоратнинг қай бири айнан сабаб, қай бири шарт-шароит бўлганини ҳар бир ҳолатда бир хил мезон билан ажратиш қийин. Уларнинг криминоген аҳамияти муайян оиладаги муносабат, шахсининг хулқ-атвори ва воқеа содир бўлган вазият билан биргаликда намоён бўлади.

Омиллар гуруҳи	Асосий мазмун	Криминологик аҳамияти
Ижтимоий-иқтисодий	Бандлик, даромад, қарздорлик, иқтисодий қарамлик, ресурслар устидан назорат	Оилавий таранглик ва қарамликни кучайтириши мумкин
Тиббий-психологик	Алкоголь ва психофаол моддалар, агрессивлик, импульсивлик, рашк, эмоционал бекарорлик	Мавжуд низони кескинлаштириши ва ўзини назорат қилишни сусайтириши мумкин
Маънавий-маърифий	Ҳуқуқий онг, гендер стереотиплари, зўравонликни оқлаш, жазога асосланган тарбия	Зўравонликка тоқатли ёки уни нормал қабул қилувчи муносабатни шакллантириши мумкин
Ташкилий-ҳуқуқий	Ҳуқуқни қўллаш, идоралараро ахборот алмашинуви, ҳимоя ордери ижроси, кейинги мониторинг	Хавфни барвақт аниқлаш ва уни чеклаш самарадорлигига таъсир қилади
Рақамли-коммуникацион	Телефон ва аккаунтларни назорат қилиш, онлайн таъқиб, геолокация, рақамли рашк, таҳдид	Нazorat ва босимни масофадан ҳам давом эттириш имконини оширади

1-жадвал. Оилавий (маиший) зўравонликка таъсир этувчи омилларнинг тақлиф этилаётган таснифи

2. Ижтимоий-иқтисодий омиллар

Оиладаги иқтисодий қийинчиликлар кўпинча низонинг кўзга ташланидиган сабаби сифатида намоён бўлади. Бироқ, ишсизлик ёки даромад камлигининг ўзи зўравонликни келтириб чиқаради, деган хулоса тўғри эмас. А.А. Камилов ва Н.О. Абдуллаева тадқиқотларида иқтисодий қарамлик, моддий етишмовчилик ва меҳнат муносабатларидаги муаммолар оилавий зўравонлик хавфи билан боғлиқ омиллар сифатида кўрсатилган [9,10]. Оилавий стресс моделига оид тадқиқотларда ҳам иқтисодий босим оила

В.Н. Кудрявцев жиноий хулқ ташқи муҳит ва шахс хусусиятларининг ўзаро таъсирида шаклланишини таъкидлайди [5]. Д.А. Шестаков оилавий низо ва жиноят ўртасидаги боғлиқликни оила муҳитидаги муносабатлар билан изоҳлайди [6]. А. Бандуранинг ижтимоий ўрганиш назарияси эса агрессив хулқ шакллари кузатиш ва такрорлаш орқали ўзлаштирилиши мумкинлигини кўрсатади [7]. Бу ёндашувлар оилавий зўравонликнинг сабабларини бир омилга боғлаб қўйиш илмий жиҳатдан тўғри эмаслигини тасдиқлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июлдаги 445-сон қарорида жиноятчилик омиллари ижтимоий, иқтисодий, психологик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, тиббий ва ташкилий гуруҳларга ажратилган [8]. Мазкур тасниф умумий криминологик таҳлил учун муҳим. Бироқ, оилавий зўравонликда айрим омиллар амалда бир-бири билан жуда яқин боғланган ҳолда намоён бўлади. Масалан, алкоголь истеъмоли тиббий ҳолат бўлиши билан бирга психологик назоратнинг пасайишига ҳам таъсир кўрсатади; иқтисодий қарамлик эса моддий ҳолат билан бирга оиладаги назорат ва қарор қабул қилиш муносабатларига ҳам дахл қилади.

Шу жиҳатдан, оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларига таъсир этувчи омилларни беш гуруҳда: ижтимоий-иқтисодий, тиббий-психологик, маънавий-маърифий, ташкилий-ҳуқуқий ва рақамли-коммуникацион омиллар тарзида ўрганиш тақлиф этилади. Бу гуруҳлар ўзаро қатъий ажратилган эмас. Уларнинг вазифаси муайян ҳолатда қайси хавфлар устун бўлганини аниқлаш ва шунга мос профилактик чорани белгилашга ёрдам беришдан иборат.

аъзоларининг эмоционал ҳолатига таъсир қилиши, аммо унинг натижаси оиладаги ўзаро муносабатлар ва мавжуд ҳимоя ресурсларига боғлиқ экани таъкидланади [11].

Тадқиқот доирасида ўрганилган жиноят ишларида ижтимоий-иқтисодий омиллар ишсизлик, барқарор даромад манбаининг мавжуд эмаслиги, қарздорлик, меҳнат миграцияси оқибатлари, оила бюджети юзасидан келишмовчилик, бир томоннинг иккинчи томон даромади ёки харажатларини тўлиқ назорат қилиши каби кўринишларда учради.

Профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоллари ва оилавий низолар билан ишловчи мутахассислар иштирокида ўтказилган сўровда респондентларнинг 33,8 фоизи ишсизлик, барқарор даромад манбаининг йўқлиги, қарздорлик ва иқтисодий қарамликни кўп учрайдиган омиллар қаторида қайд этган.

Жабрланувчининг иқтисодий қарамлиги масаласи алоҳида эътибор талаб қилади. Ижтимоий сиёсат лабораторияси ўтказган тадқиқотда таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган 867 нафар хотин-қизнинг 69 фоизи химоя ордери олиш учун мурожаат қилишдан олдин маълум вақт зўравонликка тоқат қилиб келганини билдирган [12]. Бу ҳолатни фақат иқтисодий қарамлик билан изоҳлаб бўлмайди. Бироқ, мустақил даромаднинг йўқлиги, турар жой муаммоси ёки оила аъзоларига иқтисодий боғлиқлик жабрланувчининг хавфли муносабатдан чиқиш имкониятини чеклаши мумкин.

Расмий маълумотларда ҳам иқтисодий зўравонлик сифатида қайд этилган ҳолатлар ўсгани кузатилади. ИИВ материалларига кўра, бундай ҳолатлар 2023 йилда 304 та бўлган бўлса, 2025 йилда 1839 тага етган [13]. Албатта, мазкур ўсишни тўғридан-тўғри иқтисодий зўравонликнинг шунча марта кўпайиши сифатида баҳолаш мумкин эмас. Ҳисобга олиш ва аниқлаш амалиётидаги ўзгаришлар ҳам рақамларга таъсир қилади. Шунга қарамай, иқтисодий ресурслар устидан назоратни профилактик таҳлилдан четда қолдириб бўлмаслигини мазкур маълумотлар яққол кўрсатади.

Шу асосда *оилавий (маиший) зўравонликнинг ижтимоий-иқтисодий омилларини оила аъзоларининг бандлиги, даромади, молиявий мажбуриятлари, иқтисодий қарамлиги ва ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, мавжуд низо ёки психологик тарангликни кучайтириши мумкин бўлган ҳолатлар мажмуи сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ*. Бунда асосий эътибор шахснинг камбағал ёки ишсиз эканига эмас, иқтисодий муаммо оиладаги муносабатларга қандай таъсир қилаётганига қаратилиши керак.

3. Тиббий-психологик омиллар

Оилавий зўравонликни таҳлил қилишда шахснинг руҳий ҳолати, эмоционал барқарорлиги, агрессивлиги, раҳмат мойиллиги, ўзини назорат қилиш қобилияти, шунингдек алкоголь ёки психофаол моддалардан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, мазкур белгиларнинг мавжудлиги шахс албатта зўравонлик содир этади, деган хулосага асос бўлмайди. CDC материалларида ҳам интим шерикка нисбатан зўравонлик хавфи бир қатор индивидуал, муносабатга оид ва ижтимоий омилларнинг йиғиндиси билан боғлиқ экани кўрсатилади [14].

Алкоголь омили амалиётда кўп учрайдиган ва кўп муҳокама қилинадиган ҳолатлардан биридир. Хорижий тадқиқотларда шерикнинг алкоголь истеъмоли билан зўравонлик ўртасида боғлиқлик қайд этилган [15]. Нейропсихологик таҳлиллар ҳам алкоголь ўзини назорат қилиш қобилиятини пасайтириши, агрессив реакция эҳтимолини ошириши мумкинлигини кўрсатади [16]. Бироқ бу натижалар алкогольни оилавий зўравонликнинг ягона сабаби сифатида баҳолашга асос бермайди.

Миллий статистика ҳам шу фикрни тасдиқлайди. 2023 йилда оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган 692 нафар шахснинг 76 нафари, 2024 йилда 1069 нафарнинг 111 нафари, 2025 йилнинг 11 ойида 903 нафарнинг 95 нафари маст ҳолатда бўлган. Уч даврда жами 2664 нафар шахсдан 282 нафари, яъни 10,6 фоизи жиноятни маст ҳолатда содир этган [13]. Демак, алкоголь хавфни оширувчи муҳим ҳолат бўлса-да, қолган аксарият ҳолатларнинг механизми бошқа омилларсиз тушунтириб бўлмайди.

Руҳий саломатликка оид масалаларга нисбатан ҳам эҳтиёткор ёндашиш лозим. Депрессия, кучли хавотир, травматик стресс ёки эмоционал беқарорлик оилавий муносабатлардаги зиддиятларни оғирлаштириши мумкин, аммо руҳий касалликнинг ўзи зўравонлик билан тенглаштирилмаслиги керак. Илмий тадқиқотларда руҳий ҳолат ва интим шерик зўравонлиги ўртасида мураккаб, икки томонлама боғлиқлик мавжудлиги қайд этилади [17]. Шу сабабли профилактикада таъхисга эмас, шахснинг амалий хулқи, таҳдидлари, агрессивлиги, аввалги зўравонлик ҳолатлари ва ўзини назорат қилиш хусусиятларига эътибор қаратиш тўғрироқ бўлади.

Бизнингча, *тиббий-психологик омиллар деганда шахснинг руҳий ва психофизиологик ҳолати, алкоголь ёки психофаол моддалардан фойдаланиши, эмоционал барқарорлиги, агрессивлиги, раҳм ва назоратга интилиши билан боғлиқ бўлиб, оиладаги мавжуд зиддиятни кучайтириши ёки зўравон реакцияга ўтиш эҳтимолини ошириши мумкин бўлган ҳолатлар тушунилиши лозим*.

4. Маънавий-маърифий омиллар

Оилавий муносабатларда шахснинг ҳуқуқий онги, оила ва никоҳ ҳақидаги қарашлари, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига муносабати, фарзанд тарбияси усуллари, низони ҳал қилиш маданияти ҳам зўравонлик хавфига таъсир кўрсатади. Мазкур омилларни “тарбия камчилиги” деган умумий ибора билан ифодалаш етарли эмас. Чунки бир хил оилавий ёки маданий муҳитда яшаган шахслар турлича хулқ намоён қилади. Демак, кадрят ва қарашнинг криминоген аҳамияти унинг шахс хулқи ва оиладаги муносабатлар билан қандай уйғунлашганига боғлиқ.

Л. Ҳайз таклиф этган экологик ёндашувда зўравонликка индивидуал хусусиятлар билан бир қаторда оилавий муносабатлар, ижтимоий муҳит ва жамиятдаги қарашлар ҳам таъсир кўрсатиши кўрсатилган [18]. Бу фикр оилада эркакнинг мутлақ ҳукмронлигини табиий ҳол деб қабул қилиш, зўравонликни “оила ички иши” сифатида кўриш ёки жабрланувчини ҳар қандай шароитда ярашишга ундаш каби қарашларнинг профилактик аҳамиятини тушунишга ёрдам беради.

Фарзанд тарбияси масаласи ҳам мазкур гуруҳга киради. Болани уриш, ҳақорат қилиш, қўрқитиш ёки камситишни оддий тарбия усули сифатида қабул қилиш болада зўравонликни муносабатни ҳал қилишнинг мумкин бўлган усули сифатида қабул қилиш хавфини кучайтиради. UNICEF материалларида зўравон тарбия усуллари билан бола ривожига салбий таъсири қайд этилиб, ижобий ота-оналик усуллари кенгайтириш зарурати таъкидланади [19].

Тадқиқот материалларини умумлаштириш маънавий-маърифий омилларни шартли равишда уч йўналишда кўриш мумкинлигини кўрсатди. Биринчи йўналишга гендер стереотиплари, оилада бир томоннинг мутлақ устунлиги ҳақидаги қарашлар ва зўравонликни яширишга мойил муносабатлар киради. Иккинчи йўналиш ҳуқуқий ва оилавий маданият, фарзанд тарбияси ҳамда низо мулоқот йўли билан ҳал қилиш кўникмалари билан боғлиқ. Учинчи йўналиш эса ижтимоий тармоқлар ва рақамли контент таъсирида шаклланаётган рашк, назорат ва зўравон муносабатларни нормал қабул қилиш ҳолатларини қамраб олади.

Шу маънода, *маънавий-маърифий омиллар шахснинг ҳуқуқий онги, ахлоқий қадриятлари, оилавий муносабат маданияти ва тарбияга оид қарашлари билан боғлиқ бўлиб, зўравонликни оқлаш, яшириш, тақдорлаш ёки унга тоқатли муносабат шаклланишига таъсир этувчи ҳолатлар мажмуи сифатида* баҳоланиши мумкин.

5. Ташкилий-ҳуқуқий омиллар

Оилавий зўравонликнинг олдини олишда қонун нормаларининг мавжудлиги муҳим, аммо натижа фақат қонун қабул қилиниши билан таъминланмайди. Мурожаатнинг ўз вақтида қайд этилиши, жабрланувчи хавфининг баҳоланиши, ҳимоя ордери талабларига риоя этилиши, зўравон шахс билан профилактик иш олиб борилиши, зарур ижтимоий ва психологик хизматларга йўналтириш ҳамда кейинги назорат бири-бири билан боғлиқ жараёнлардир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июлдаги 445-сон қарори жиноятчилик омилларини илмий ўрганиш ва криминологик диагностика қилиш вазибаларини белгилаш билан мазкур йўналиш учун муҳим ташкилий асос яратган [8]. Бироқ оилавий зўравонликда хавф кўпинча бир нечта идорада сақланаётган маълумотлар орқали кўринади: ички ишлар органларида аввалги мурожаат, маҳаллада оилавий низо ҳақидаги ахборот, ижтимоий хизматларда эҳтиёж, тиббиёт муассасасида тан жароҳати ёки психологик ҳолат ҳақидаги маълумот бўлиши мумкин. Уларнинг бири-биридан узилган ҳолда кўриб чиқиши хавфнинг тўлиқ манзарасини кўрмасликка олиб келади.

Ҳимоя ордери ҳам шундай ёндашувни талаб қилади. Ордernинг берилгани профилактик чора кўрилганини кўрсатади, аммо унинг самарадорлиги кейинги даврда зўравонлик такрорланган ёки такрорланмагани, ордер муддати узайтирилгани, янги мурожаатлар келиб тушгани ва жабрланувчининг хавфсизлиги таъминлангани билан баҳоланиши лозим. ИИВ статистикасида такрорий ҳимоя ордерлари ва уларнинг муддатини узайтириш ҳолатлари мавжудлиги бир марталик ҳуқуқий чорадан кейин ҳам айрим оилаларда хавф сақланиб қолишини кўрсатади [13].

Шу сабабли *ташкилий-ҳуқуқий омилларни қонунчиликдаги камчиликлар билан чеклаш тўғри эмас. Уларга ҳуқуқни қўллаш амалиёти, профилактика субъектлари ўртасида ахборот алмашинуви, ҳимоя чоралари ижроси, жабрланувчига хизмат кўрсатиш, зўравон шахс билан кейинги иш ва хавфни қайта баҳолаш жараёнидаги камчиликлар ҳам киради. Бундай ёндашув профилактикада “чора кўрилди” деган формал натижадан “хавф*

қамайдими?” деган мазмунли натижага ўтиш имконини беради.

6. Рақамли-коммуникацион омиллар

Ахборот технологияларининг кундалик ҳаётга чуқур кириб бориши оилавий муносабатларда ҳам янги низо ва назорат шакллари юзага келтирмоқда. Телефонни доимий текшириш, мессенжерлардаги ёзишмаларни назорат қилиш, аккаунт паролларини талаб қилиш, геолокация орқали ҳаракатни кузатиш, ижтимоий тармоқдаги мулоқот сабаб рашк қилиш ёки онлайн таҳдид ўтказиш каби ҳолатлар анъанавий оилавий зиддиятни янги воситалар орқали давом эттириш имконини беради.

UN Women материалларида технология воситасида амалга оширилаётган зўравонликка онлайн таъкиб, таҳдид, шахсий маълумотлардан суиистеъмол қилиш ва рақамли назорат каби ҳаракатлар киритилади [20]. М. Rogers ва бошқаларнинг таҳлилида ҳам технология яқин муносабатларда назорат ва босимни амалга ошириш воситасига айланиши мумкинлиги қайд этилган [21]. UNFPA ушбу ҳолатларни гендерга асосланган зўравонликнинг рақамли муҳитдаги кўринишлари сифатида баҳолайди [22].

Тадқиқот доирасида Сурхондарё вилоятида 2025 йилда тергов қилинган оилавий зўравонликка оид ишлар орасида 2 та ҳолат, яъни 2,6 фоизда низо бевосита онлайн танишувлар билан боғлиқ бўлгани аниқланди. Бу рақамнинг ўзи рақамли муҳит таъсирининг ҳақиқий ҳажмини кўрсатмайди. Чунки, бошқа айрим ишларда телефон ёзишмалари, Telegram, TikTok ёки Instagram билан боғлиқ келишмовчиликлар мустақил омил сифатида эмас, “рашк”, “ҳиёнатда гумон қилиш”, “ишончсизлик” ёки “оилавий жанжал” каби умумий ифодалар таркибида қайд этилган.

Мазкур ҳолатни “рақамли омилларнинг статистик яширинлиги” деб ифодалаш мумкин. Бу ерда жиноятнинг ўзи расмий ҳисобда мавжуд, аммо унинг келиб чиқиши ёки кучайишида иштирок этган рақамли ҳолат алоҳида кўрсаткич сифатида қайд этилмайди. Шу боис мазкур тушунча латент жиноятчиликдан фарқ қилади. Гап жиноятнинг яширин қолиши ҳақида эмас, унинг механизмидаги рақамли омил статистик таҳлилда кўринмай қолиши ҳақида бормоқда.

Бизнингча, бу муаммони ҳал қилиш учун алоҳида янги реестр тузиш шарт эмас. Амалдаги криминологик ва таҳлилий ҳисоботларга “*низонинг рақамли-коммуникацион омилли*” деган қўшимча реқвизит киритиш етарли бўлиши мумкин. Унда телефон ёзишмалари, ижтимоий тармоқлар, онлайн таъкиб, геолокацияни кузатиш, аккаунт ёки пароллар устидан назорат каби ҳолатлар белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу ахборот кейинчалик профилактик чораларни низонинг ҳақиқий механизмига қараб белгилашга ёрдам беради.

7. Омилларнинг ўзаро таъсирини кўрсатувчи айрим эмпирик натижалар

Тадқиқот натижалари омилларни алоҳида-алоҳида баҳолашдан кўра, уларнинг бир ҳолатда қай тарзда бирлашганини ўрганиш муҳимлигини кўрсатди. Иқтисодий қийинчилик психологик таранглик билан, алкоголь рашк ва агрессив хулқ билан, рақамли назорат эса авторитар муносабат ва ишончсизлик билан қўшилганда хавф кучайиши

мумкин. Қуйидаги жадвал айрим эмпирик кўрсаткичларни умумлаштиради.

Кўрсаткич	Аниқланган натижа	Қисқача баҳолаш
Маст ҳолда жиноят содир этиш	2664 шахсдан 282 нафари – 10,6%	Алкоголь муҳим хавф омили, аммо универсал сабаб эмас
Иқтисодий омиллари сўровда қайд этиш	Респондентларнинг 33,8 фоизи	Иқтисодий босим кўп ҳолатда бошқа зиддиятлар билан бирга намоён бўлади
Иқтисодий зўравонлик бўйича қайдлар	2023 йил – 304; 2025 йил – 1839	Иқтисодий назорат ва қарамликни алоҳида таҳлил қилиш зарур
Руҳий зўравонлик бўйича қайдлар	2023 йил – 23 289; 2024 йил – 31 025; 2025 йил – 30 695	Психологик босим ва назорат профилактик эътибор талаб қилади
Онлайн танишув билан бевосита боғлиқ ишлар	Сурхондарё, 2025 йил – 2 ҳолат (2,6%)	Рақамли омиллари амалдаги ҳисобда тўлиқ кўринмаслиги мумкин

2-жадвал. Оилавий зўравонликка таъсир этувчи айрим омиллари эмпирик кўрсаткичлари

Муҳокама

Олинган натижалар оилавий (маиший) зўравонликни муайян бир “асосий сабаб” билан тушунтириш амалиётида ҳам, назарияда ҳам етарли эмаслигини кўрсатди. Масалан, ишсизлик кўплай оилаларда мавжуд бўлиши мумкин, аммо уларнинг барчасида зўравонлик содир этилмайди. Худди шунингдек, алкоголь истеъмоли ҳам ҳар бир ҳолатда зўравонликка олиб келмайди. Криминоген аҳамият муайян омил бошқа хавфлар билан қўшилиб, шахснинг ҳулки ва оиладаги муносабатларга қандай таъсир кўрсатганида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан беш гуруҳли таснифнинг амалий аҳамияти омиллари сони камайтиришда эмас, уларни оилавий зўравонликнинг ўзига хос механизмга мос равишда тушунтиришда кўринади. Ижтимоий-иқтисодий омиллари, аввало, бандлик, даромад ва қарамлик билан боғлиқ; тиббий-психологик омиллари шахснинг эмоционал ҳолати ва ўзини назорат қилишига дахл қилади; маънавий-маърифий омиллари оиладаги қараш ва муносабатларнинг мазмунини очади; ташкилий-ҳуқуқий омиллари эса хавфни ўз вақтида аниқлаш ва чеклаш тизими қай даражада ишлаётганини кўрсатади. Рақамли-коммуникацион омиллари алоҳида ажратилиши эса сўнгги йилларда оилавий назоратнинг техник воситалари ўзгаргани билан изоҳланади.

Бу таснифни қўллашда яна бир хато йўл қўйилмаслиги керак: статистик жиҳатдан кўп учраган белгилари автоматик равишда “энг кучли сабаб” деб эълон қилиш мумкин эмас. Масалан, алкоголь билан боғлиқ 10,6 фоизлик кўрсаткич муҳим, аммо у қолган 89,4 фоиз ҳолатнинг сабабини тушунтириб бермайди. Иқтисодий зўравонлик бўйича қайдлар кўпайгани ҳам иқтисодий қийинчиликнинг ўзи жиноятга олиб келатганини аниқлатмайди. Шу боис статистик маълумотлар жиноят ишлари материаллари ва конкрет оиладаги муносабатлар билан бирга талқин қилиниши лозим.

Профилактика нуқтаи назаридан бундай ёндашув ходимдан “қайси омил бор?” деган савол билан чекланмасдан, “қайси омиллари биргаликда хавфни кучайтирапти?” деган саволга жавоб излашни талаб қилади. Масалан, аввалги таҳдид, мастлик, ишдан ажралош, жабрланувчининг иқтисодий қарамлиги, телефон устидан назорат ва болалар иштирокидаги

доимий жанжал бир вақтда мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири алоҳида кўрсаткичдан кўра юқорирок хавфни англатиши мумкин.

Шу сабабли оилавий зўравонликка қарши профилактикани умумий тушунтириш ишлари ёки бир марталик суҳбат билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Омиллари хусусиятига қараб бандликка кўмаклашиш, психологик ёрдам, алкоголь билан боғлиқ хавфни камайтириш, ҳимоя чораларини кучайтириш, зўравон шахс ҳулкини коррекция қилиш, рақамли таъкибни тўхтатиш ёки жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш каби турли чоралар бир-бири билан уйғунлаштирилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Таҳқиқот натижаларидан келиб чиқиб, оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг сабаб ва шарт-шароитларини бир омилли ёндашув асосида тушунтириш етарли эмас, деган хулосага келиш мумкин. Мазкур жиноятлар кўп ҳолларда шахснинг индивидуал хусусиятлари, оиладаги муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий шароит, ташқи вазият ва профилактика тизимининг ишлаш даражаси ўзаро таъсирида юзага келади. Шунинг учун профилактиканинг асосий вазифаси муайян омилни “айбдор” деб топиш эмас, хавфни шакллантираётган ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, уларга мос чораларни белгилашдан иборат бўлиши керак.

Биринчидан, оилавий (маиший) зўравонликка таъсир этувчи омиллари ижтимоий-иқтисодий, тиббий-психологик, маънавий-маърифий, ташкилий-ҳуқуқий ва рақамли-коммуникацион гуруҳларда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Мазкур тасниф профилактика ходимида хавфнинг қайси йўналишда кучли эканини аниқлаш ва чораларни манзилли белгилаш имконини беради.

Иккинчидан, ҳимоя ордери берилаётган ёки такрорий мурожаат келиб тушган ҳолатларда оилавий зўравонлик хавфини баҳолаш картасидан фойдаланиш зарур. Унда аввалги зўравонлик ва таҳдидлар, алкоголь ёки психофаол моддалар, иқтисодий қарамлик, рашк ва назоратга интилиш, қурол ёки хавфли воситага эга бўлиш, болалар иштирокидаги хавф, рақамли таъкиб ва бошқа муҳим белгилар комплекс баҳолалиниши лозим.

Учинчидан, рақамли муҳит билан боғлиқ низоларни амалдаги статистик ва таҳлилий ҳисоботларда

алоҳида кўрсатиш зарур. Бунинг учун янги реестр ташкил этишдан кўра, мавжуд ҳисоб шаклларига “ни-зонинг рақамли-коммуникацион омили” реквизитини киритиш мақсадга мувофиқ. Натижада телефон, ижтимоий тармоқ, геолокация, аккаунт назорати ёки он-лайн таъқиб билан боғлиқ ҳолатларнинг ҳақиқий салмоғини аниқлаш имкони пайдо бўлади.

Тўртинчидан, ташкилий-ҳуқуқий профилактикада алоҳида чораларнинг сони эмас, уларнинг натижаси баҳоланиши керак. Ҳимоя ордери, профилактик суҳбат ёки хизматга йўналтиришнинг самарадорлиги кейинги мурожаатлар, такрорий зўравонлик, ордер муддатининг узайтирилиши ва жабрланувчининг реал хавфсизлиги каби кўрсаткичлар билан ўлчаниши лозим.

Бешинчидан, профилактика субъектлари ўрта-сидаги ахборот алмашинуви хавфни комплекс

баҳолашга хизмат қилиши керак. Аввалги мурожаат, химоя ордери, ижтимоий муаммо, тиббий ёки психологик ёрдамга эҳтиёж ҳақидаги маълумотлар бир-биридан узилган ҳолда эмас, муайян оиладаги хавфнинг умумий манзарасини шакллантириш учун қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг олдини олишда энг муҳим вазифа содир бўлган ҳолатни қайд этиш билан чекланмасдан, уни келтириб чиқарган ва такрорланиш хавфини сақлаб турган омиларни барвақт аниқлашдан иборат. Шундагина профилактика умумий чоралар йиғиндисидан муайян оила ва муайян хавфга мос, натижага йўналтирилган тизимга айланади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. UN Women. Facts and Figures: Ending Violence against Women. <https://www.unwomen.org/en/articles/facts> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 30 апрель).
2. 2026 йил 25 апрель куни Бош прокуратурада Бош прокурор Н. Ёўлдошев ҳамда Ички ишлар вазири И. Тошпўлатов раислигида ўтказилган Республика идоралараро мувофиқлаштириш Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши матери-аллари.
3. Салаев Н., Ниёзова С. Криминология (Умумий қисм): Дарслик. – Т., 2023. – 60-бет. <https://library-tsul.uz/kriminologiya-niyozova-s-salayev-n-2023/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 30 апрель).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 565-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/5623688?ONDATE=11.12.2024> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 1 май).
5. Кудрявцев В.Н. Преступность и нравы переходного общества. – М.: Гардарики, 2002. – 238 с. <https://cyberleninka.ru/article/n/2004-03-021-kudryavtsev-v-n-prestupnost> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 1 май).
6. Шестаков Д.А. Семейная криминология: семья–кон-фликт–преступление. – СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 1996. – 263 с. <https://cyberleninka.ru/article/n/98-03-050-shestakov-d-a-semeynaya-kriminologiya> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 1 май).
7. Bandura A. Social Learning Theory of Aggression. <https://psycnet.apa.org/record/1978-04144-001> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 1 май).
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июлдаги «Криминологик фаолиятни илмий таъмин-лаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/7034904> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 1 май).
9. Камиллов А.А. Women and domestic violence: enforce-ment of rights and access to protection. <https://usajournals.org/in-dex.php/3/article/view/494/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 3 май).
10. Абдуллаева Н.О. The Complex of Factors of Family (Domestic) Violence. <https://inlibrary.uz/index.php/ijlc/arti-cle/view/84565> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 3 май).
11. Chen J.-H. et al. The Application of Family Stress Model to Investigating Adolescent Problematic Behaviors: The Moderating Role of Assets. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10139908/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 3 май).
12. Reshetnikov I. Ayollar ovozi: zo'ravonlikdan reabili-tatsiyagacha. <https://socialpolicylab.uz/uz/research/all/53/>; тадқиқот натижалари: <https://socialpolicylab.uz/news/40> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 4 май).
13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2023–2025 йиллар бўйича жиноятчилик, тазйик ва зўравонлик ҳолатлари ҳамда химоя ордерларига оид расмий статистик материаллари.
14. CDC. Risk and Protective Factors (February 8, 2024). <https://www.cdc.gov/intimate-partner-violence/risk-factors> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 15 май).
15. Melkam M. et al. Impact of partner alcohol use on inti-mate partner violence. 2024. <https://link.springer.com/arti-cle/10.1186/s12889-024-19932> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 18 май).
16. Sontate K.V. et al. Alcohol, Aggression and Violence: From Public Health to Neuroscience. 2021. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8729263/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 18 май).
17. White S.J. et al. Global Prevalence and Mental Health Outcomes of Intimate Partner Violence. 2023. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10666489/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 18 май).
18. Heise L.L. Violence Against Women: An Integrated, Ecological Framework // Violence Against Women. 1998. Vol. 4. Issue 3. P. 262–290. DOI: 10.1177/1077801298004003002. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/12296014/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 22 май).
19. UNICEF Data. Violent discipline. <https://data.unicef.org/topic/child-protection/violence/violent-disci-pline/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 22 май).
20. UN Women. Repository of UN Women's work on tech-nology-facilitated violence against women and girls. 2025. <https://www.unwomen.org/en/digital-library/publica-tions/2025/03/repository-of-un-womens-work-on-technology-faci-litated-violence-against-women-and-girls> (Электрон манбага муро-жаат қилинган сана: 2026 йил 28 май).
21. Rogers M.M. et al. Technology-Facilitated Abuse in In-timate Relationships: A Scoping Review. 2022. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10486147/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 29 май).
22. UNFPA. Technology-facilitated Gender-based Vio-lence. <https://www.unfpa.org/TFGBV> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2026 йил 29 май).